ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHONSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2005-yil, 18-noyabr, 46 (687)-son | Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 ноябр кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яккама-якка учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Президентлар ўзаро ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлишини таъкидладилар. Музокаралар якунида Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

♦ Матбуотда "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

♦ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Парламентнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаси" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Журналистларни касбий жиҳатдан қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Конрад Аденауэр фонди ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида парламент фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва изчил ёритиб бориш, таҳлилий материаллар билан таъминлаш, жамоатчиликка тезкор, холис ҳамда тўғри ахборотлар етказиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят ишининг бир қисмини ва дастлабки тергов якунларини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни ниҳоясига етди.

Суд жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб, судланувчиларни юқорида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 15 нафар судланувчини турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

ШОДИЁНАЛАР ШУКУҲИ УНУТИЛМАЙДИ

2005 йил — Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчи-мураббийлари ва талабалари учун бир умрга унутилмас йил бўлиб қолиши шубҳасиз.

Чунки мазкур йилда университет ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган кўплаб тантаналар ўтказилди. Олий ўқув юртининг олтин тўйи муносабати билан мамлакатимиз Президенти университет жамоасига табрик хати йўллади. Бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Бу ўқитувчию мураббийларни, талабаю аспирантларни руҳлантириб юборди. Яна бир унутилмас воқеа — Нукус, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Урганч шаҳарларида университет филиаллари очилди.

Шу кунларда ҳам олий ўқув юртида байрам шодиёналари давом этмоқда. Яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан университет ташкил этилганлигининг 50 йиллиги боис ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилар ва ходимларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Уни Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов олиб борди.

Маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, университет Васийлик Кенгаши раиси А.АРИПОВ шонли сана билан университет жамоасини табриклади. Агентлик раҳбари мазкур ўқув даргоҳига ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор ҳақида гапириб, бу ишончга муносиб равишда меҳнат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. У университетга ҳомийлик ёрдамини кўрсатаётган фирма, компания, корхона ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Шундан сўнг "SIEMENS" AG компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош директори жаноб Райнерд Кёнигехайм, "COSCOM" қўшма корхонаси бош директори Алексей Степанов, "UNITEL" компаниясининг тармоқларни режалаштириш ва ахборотлаштириш технологиялари бошқармаси раҳбари Бахтиёр Мўминов, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори Ҳаким Муҳитдинов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раисининг ўринбосари Шоиста Қосимовалар сўзга чиқишиб, университет жамоасини олтин тўй билан қутлашди ҳамда ўқитувчи ва талабаларга ўз совғаларини топширишди.

Сўнгра Агентлик Бош директори ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ва ходимларга Агентликнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони, "Ўз касбининг устаси" белгиси гувоҳномалари ва "Фахрий ёрлиқ"ларни топширди. Шунингдек, давлатимиз ва Агентлик мукофотларини олган профессор-ўқитувчилар, ходимларга уяли телефонлар берилди. Ёш авлодни тарбиялашга ҳамда университетнинг 50 йиллигини нишонлашга ўз ҳиссасини қўшган ТАТУ доценти, техника фанлари номзоди Омон Абдуазизов, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари Рихси Исаев ва мазкур марказнинг илмий маслаҳатчиси Искандар Бергановларга шахсий компютерлар совға қилинди.

Маросим сўнгида ТАТУ маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Неъматилла Мўминов мамлакатимиз раҳбари номига университет жамоаси йўллаган жавоб хатини ўқиб эшиттирди.

Шундай қилиб, ТАТУнинг 50 йиллигига бағишланган маросим ниҳоясига етди. Аммо мустақиллик йилларида университетда амалга оширилган улкан ишлар, тўй баҳона ўтказилган халқаро анжуманлар, тадбир ва маросимлар, шодиёналар шукуҳи унутилмайди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Муаллиф олган сурат.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва ходимлари муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг илмий маслаҳатчиси Искандар Раҳмонович **БЕРГАНОВ**, ТАТУ ректори Содиқжон Собирович **ҚОСИМОВ**ларга Агентликнинг **"МОҲИР АЛОҚАЧИ"** фахрий унвони берилди.

Университетнинг телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси Маъмура Халиловна **НУРУЛЛАЕВА,** иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори Муҳамаджон Тешаевич **АБДУРАСУЛОВ,** кутубхона директори Таисия Алексеевна **СЛИНКО,** иқтисод ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректори Тўлқин Зокирович **ТЕШАБОЕВ**лар Агентликнинг **"ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ"** билан, капитал-қурилиш бўлими бошлиғи Анвар Аминович **МАҲМУДОВ,** электр занжирлар назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Васила Абдусатторовна **ТЎЛАГАНОВА,** иқтисод кафедраси катта ўқитувчиси Вячеслав Евгеньевич **ШУХМИН,** ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Лаъли Жўраевна **ҲАСАНОВА**лар Агентликнинг **"ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ"** белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак, азиз устозлар!

ҚИЛИНГАН ИШЛАР САРҲИСОБИ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида тўққиз ойлик иш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш йўлида қилинган ишлар ҳақида филиал директорининг биринчи ўринбосари И.Маткаримов маълумот берди.

Маълумотга кўра, 2005 йилнинг дастлабки тўққиз ойида филиал томонидан 1203990 минг сўм даромад олиниб, бу борадаги режа 106 фоиз қилиб бажарилган. Рентабеллик кўрсаткичи 5 фоизни ташкил этди.

Шу даврда асосий хизмат турларининг умумий даромаддаги улуши филиал бўйича ўртача 13 фоизни ташкил қилди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон почта алоқаси тармоқларида бу борада ижобий кўрсаткичларга эришилди. Шу билан бирга, Паркент, Келес, Зафар, Пискент, Янгибозор, Гулбаҳор, Тўйтепа, Дўстобод ва Зангиота почта алоқаси тармоқларида асосий хизмат турларидан даромад олиш бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган.

(Давоми 2-бетда.)

Қилинган ишлар сарҳисоби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ҳисобот даврида аҳолидан коммунал ҳамда телекоммуникация хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар учун дебитор қарзлар йиғиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилди. Бу борада, айниқса, Чирчиқ, Гулбаҳор, Зангиота, Қибрай, Ғазалкент, Тўйтепа ва Келес почта алоқаси тармоқлари фаол иштирок этган.

Филиалда йўлга қўйилган қўшимча хизмат кўрсатиш турларидан бири курерлик хизматидир. Вилоят хўжалик суди билан хат-хабарларни етказиб бериш бўйича курерлик хизмати кўрсатишга доир шартнома тузилган бўлиб, 2005 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ушбу хизматдан 1379,1 минг сўм даромад олинди.

Тошкент филиалининг почта алоқаси эксплуатация бўлими бошлиғи С. Матчонова кўрсатилаётган хизматлар сифат кўрсаткичларига тўхталиб ўтди.

Ўтган тўққиз ойлик маълумотларга кўра, кўрсатилаётган хизматлар юзасидан 251та мурожаат (ариза, таклиф ва шикоятлар) тушган. Ўтган йилнинг шу давридагига таққосланганда бу анча камдир. Шунга қарамасдан, шикоят ва аризалар сони камайиш ўрнига, аксинча, кўпайган Янгибозор, Бекобод ва Оққўрғон почта алоқаси тармоқларида хизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши тўғрисида корхона директорининг ўринбосари А.Ҳайдаровнинг ҳисоботи тингланди.

"2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури" доирасида ўтган давр мобайнида Дастурда кўзда тутилган вазифа ва топшириқларни амалга жорий этиш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, Тошкент филиалининг почта алоқаси тармоқлари амалиёт залларига ва алоқа бўлимларига замонавий ўлчов воситалари ўрнатилди. Молиявий хизматлар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб касса амалиётлари бўйича хизматларни ташкил этиш тадбирлар режасига мувофиқ Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг амалиёт залида электрон пул жўнатмалари хизматини кўрсатиш ташкил этилди ва тест синовларидан ўтказилди.

Шунингдек, йиғилишда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижро интизоми, даврий матбуот нашрларига обуна уюштириш, ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш, Бутунжаҳон почта иттифоқи томонидан ўтказиб келинаётган хат қўринишидаги иншо танловига тайёргарлик кўриш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

TADBIR

Огоҳлик — муқаддас бурч

ЁШЛАРИ БИЛИМДОН ВА ЖИПС БЎЛГАН ЮРТ ҲАМИША ТАРАҚҚИЙ ТОПАВЕРАДИ.

Азал-азалдан ёвузлик билан эзгулик ўртасида кескин кураш боради. Бу курашда эзгулик тарафдорлари қанчалик жипслашса, бирлашса, ўзаро якдил бўлса — шунчалик қўли баланд келаверади. XXI асрга келиб инсониятга турли табиий офатлар, гиёҳвандлик, ОИТС каби касалликлардан ташқари терроризм, диний экстремизм сингари балои азим ҳам жиддий хавф солаётир. Ер куррасининг турли бурчакларида террорчилар ўзларининг "ҳунар"ларини кўрсатмоқда.

Хўш, башар аҳли бу ёвузликка қарши қандай курашмоғи керак? Терроризмнинг илдизи қаерда? Диний ақидапарастликнинг олдини олиш мумкинми? Унга қарши курашда ёшларнинг, айниқса, ўқувчи-талабаларнинг ўрни қандай?

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида "Терроризм ва диний экстремизмнинг инсониятга қаратилган қабиҳ нияти" мавзуидаги тадбир ҳам юқоридаги саволлар доирасида ўтказилди.

Тадбирни коллеж директори Саидмаҳмуд Акбаров очди. Шундан сўнг учрашувга таклиф этилган меҳмонлар — Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими Акрамжон Акмалов, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси, тарих фанлари номзоди, доцент Қобилбек Каримбеков, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Қирғизбоевлар маъруза қилишди. Улар терроризм ва диний экстремизм ҳақида ҳамда "ваҳҳобий"лик, "акромий"лик каби оқимларнинг ёвуз мақсадлари тўғрисида гапиришиб, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Талабаларни қизиқтирган саволларга тарихчи олимлар билан бир қаторда Шайхонтоҳур тумани прокуратураси, ички ишлар бўлими, жиноят ишлари бўйича судининг масъул мутасадди ходимлари жавоб беришди.

"Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" — деб ёзганди буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, таълим-тарбия ёвузликни енга оладиган қудратли кучдир. Шунинг учун ҳам ёшлар яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, пухта билим олишлари, аҳил бўлишлари лозим. Зеро, ёшлари билимдон ва жипс бўлган юрт ҳамиша тараққий топаверади.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

2005 YIL – SIHAT-SALOMATLIK YILI

Соғлиқ — бебаҳо бойлик

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" дейилган. Бу кафолат, шубҳасиз, бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки касбимизга чинакам садоқат кўрсата олганимиздагина, билдирилган ишончни оқлаган бўламиз.

Жамоамизнинг алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш хонаси бор. Бу ерда биринчи тиббий ёрдам олиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган, зарур дори-дармонлар ўз вақтида келтирилади. Таъминотнинг қай даражада йўлга қўйилганлигини «ЎзИ-Термиз» филиали директори Нормурод Худоёровнинг шахсан ўзи назорат қилиб боради. Айни пайтда ходимлар мунтазам равишда ойига бир марта тиббий кўрикдан ўтказилиб турибди. Бунда жамоамизнинг Термиз шаҳридаги хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган 1-поликлиника билан тузган шартномаси амалий аҳамият касб этмоқда.

Тиббий хизмат кўрсатиш хонасига телефон ўрнатилган. Филиалга қарашли цехлардан телефон қўнғироқлари бўлиб қолса, дарҳол етиб бораман. Биринчи тиббий ёрдам чоғи кўчма дорихона имкониятларидан фойдаланаман. Агар хасталик кучаяётган бўлса, беморни шифокордан маслаҳат олишга ундайман. Борди-ю муолажага жиддий эҳтиёж сезилиб қолса, бемор мутахассис белгилаган ташхис асосида даволаниши лозим. Айтиш жоизки, тиббий хонамизда кундузги амбулатория хизматини кўрсатиш учун ҳам шароит бор.

Вилоят алоқа бўлимлари орасида ҳам Сиҳат-саломатлик йили давлат дастури доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани қувонарлидир. Ўтказилаётган спорт мусобақаларида биз-нинг жамоамиз фаол иштирок этиб, кўчма кубок соҳиби бўлди. Энг муҳими, улар чиниқиш соатларида ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб олишди. Шахсан мен бундай тадбирларнинг мавсумий эмас, балки доимий бўлиши тарафдориман. Зеро соғлиқ — ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик ҳисобланади. Шундай экан, уни асраб-авайлаш йўлида хизмат қилаётган кўп сонли касбдошларим қатори мен ҳам ўз касбим билан фахрланаман.

Ҳалима ОЧИЛДИЕВА,
«ЎзИ-Термиз" филиалининг тиббий ҳамшираси

Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006

«Xabar»га обуна бўлдингизми?

Ўн уч йилдан бўён чоп этиб келинаётган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг нашрида соҳага оид янгиликлар, қонун, қарор ва фармонлар, ютуқ ва муаммолар кенг ёритилади. Шунингдек, оммавий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишлардаги мақолаларга ҳам кенг ўрин берилади.

2006 йилда «Xabar» газетаси хонадонингизга ҳар ҳафтада, муборак жума куни 16 саҳифада, рангли, тўлиқ 4 бетлик теледастурлар билан кириб боради.

Газетамизга 2006 йил учун расмийлаштирилган обуна бўйича 10 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

	Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	Обуна сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	463
2	Андижон	594
3	Бухоро	20
4	Жиззах	0
5	Қашқадарё	517
6	Навоий	306
7	Наманган	162
8	Самарқанд	124
9	Сурхондарё	382
10	Сирдарё	12
11	Тошкент	28
12	Фарғона	143
13	Хоразм	120
14	Тошкент шаҳри	61
	Жами	2932

Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006 ● Обуна-2006

Электрон мусиқа яратиш технологиялари

Бугунги кунда компютер жамиятимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб бормоқда. Бирор бир тармоқ ёки соҳа йўқки, ушбу техника мўъжизасидан фойдаланилмаётган бўлса. Масалан, мусиқа оламида ҳам компютерларнинг чексиз имкониятлари юқори самара бермоқда. Қуйидаги мақола шу ҳақда.

Ҳозирги кунда шахсий мусиқа студиялари компютерлар билан жиҳозланган ва деярли барча аналог аппаратуралар (қурилмалар)нинг вазифасини мураккаб дастурлар бажармоқда. Уларнинг сермаҳсул ишлаши учун эса аудио имкониятига эга бўлган *Midi* секвенсер (Cakewalk Pro Audio, Cubase audio) қаттиқ дискига кўп қаторли стереоёзувни киритиш дастури ва аудиофайлларни тўғрилайдиган дастурлар зарур бўлади. Аудио тахрирлагичлар жуда кўп. Улардан, асосан, овоз ёзиб олиш ва қайта ишлашда фойдаланилади.

Албатта, ҳар бир мутахассис барча масалаларни юқори савияда ҳал қиладиган универсал дастурга эга бўлишни орзу қилади. Шундай дастурлар қаторига Sonic Foundy Inc фирмаси томонидан яратилган Sound Forge дастурини ҳам киритиш мумкин. Бу дастур аудио сигналларни мукаммал даражада қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, замонавийлиги ва кенг имкониятларга эгалиги билан ажралиб туради. Ундан аудиосигналларни қайта ишлаш, тубдан ўзгартириш ёки мусиқа асбобининг яхши ёзилмаган садоланишини тахрирлаш-(тўғрилаш)да кенг фойдаланилади.

Sound Forge дастури деярли барча замонавий овоз эффектларини ва ёзувини тахрирлашнинг энг яхши воситаларини ўз ичига олади ва уларни кейинчалик фақат битта йўналишда ишлатишга имкон беради.

Қулай икки тизим ўзаро самарали алоқада бўлган макон ва дастурда кўп сонли бошланғич ўрнатишлар мавжудлиги учун ундан юқори малакага эга бўлмаган мутахассислар ҳам, шу соҳани энди ўрганаётган ёшлар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Компютер қурилмаси ва дастур таъминотига мутаносиб равишда Sound Forge дастурининг 16 ва 32 разрядли турлари мавжуд. Дастурнинг 16 разрядли 3.0d туридан фойдаланиш учун процессори камида Intel-80386 бўлган IBM компютерлари зарур. Албатта, камида 486Dx процессорли компютерлар бўлса янада яхши. Овозни сифатли ёзиб олиш ва уни эшитиш учун тезлиги юқори бўлган қаттиқ диск зарур бўлиб, унга етишиш вақти ўртача 12 миллисония бўлиши керак.

Дастурда ишлашни унинг интерфейсидан бошлаган маъқул. Дастурдаги барча функцияларга бош меню орқали кириш мумкин, бироқ ишни тезлатиш ёки зарур функцияга етиш вақтини қисқартириш мақсадида мос дастур тугмачалари жойлашган асбоблар каналидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бошқа дастурлардаги сингари бирор тугмачани босиш, бош менюдан маълум буйруқни чақириш билан эквивалент бўлади.

Экранда акс эттириладиган асбоблар панеллари бош менюдаги File / Preferences/ Toolbars буйруғи ёрдамида белгиланади. У орқали экранга чиқариладиган дарчадан зарур асбоблар панеллари хоч билан белгиланиб, уларни дастур дарчасининг маъқул ўринларига жойлаштириш мумкин.

Дастлаб овоз фрагментини ёзиб олишда энг кўп қўлланиладиган эффектлар билан ишлов бериб, аудиосигнал овоз спектрини бойитиш масаласини кўриб чиқамиз. Бунинг учун File/New буйруғидан ёки мос тугмачадан фойдаланиб, янги файл очамиз. Ёзиш, эшиттириш ва файлнинг боши ва охирига силжитишни назорат қилиш экраннинг юқори ўнг бурчагида жойлашган ҳамда оддий магнитофоннинг мос тугмачаларини эслатувчи бошқарув тугмачалари ёрдамида амалга оширилади. Овоз ёзиб олиш учун микрофон ёки исталган сигнал манбаи, масалан, магнитофон ёки овоз платасига уланган CD қурилмасидан фойдаланса бўлади. Кириш сигнали баландлигининг Sound Forge дастурига ўрнатилган микшер (Windows/Mixer) ёки овоз платаси билан биргаликда тақдим этиладиган восита ёрдамида ростлаш мумкин.

Сўнгра Special/Transfer/Record бўйича буйруқ берилса ёки ёзув тугмаси босилса, экранда мос ёрдамчи меню пайдо бўлади. Бу менюдан ёзиладиган файл формати: Mono/Stereo – режимлари; Sample Size – разрядлар сони; Sample Rate (нусха даражада) – дискретлаш частотаси; ёзиш режими, яъни аввалги дублни кейингиси билан алмаштириш ёки дубларни кетма-кет ёзиш амаллари белгиланиши мумкин. Бу ерда кириш сигнали баландлигининг ўзгариш индикаторлари ҳам жойлашган. Файл форматини Edit/Data Format меню пунктидан ҳам белгиласа бўлади. Бу ердаги Remote тугмачаси Sound Forge (товуш тайёрлаш) дастурида ёзиб олишни бошқа бирор дастурдан, масалан, M2D2 – секвенсердан туриб бошқариш имконини беради. Ушбу ҳолда Sound Forge дастури секвенсер учун M2D2 – аккомпанемент тариқасида бирорта ҳақиқий чолғу асбобининг аудиотрекини ёзиш учун шароит яратади. Овоз ёзиб олишни тўхтатиш учун Stop тугмачасини босиш кифоя. Шундан сўнг ёрдамчи менюни беркитиб, ёзиб олинган фонограммани тахрирлашга киритиш мумкин.

Фонограммани тахрирлашда аввалам-бор файл боши ва охирида мавжуд бўлган ортиқча пауза вақтларини олиб ташлаш зарур. Улар Record ёки Stop тугмачаларини босиш ва овозни қабул қилиб олишни бошлаш ёки тўхтатиш вақти оралиқларидаги фарқ натижасида пайдо бўлади. Бунда файлдан олиб ташланиши зарур бўлган қисм қора рангга бўялган ҳолда акс эттирилади. Стереоёзув файли билан ишланаётганида ҳар иккала каналдаги бирор қисмни белгилаш учун курсорни каналларни ажратувчи горизонтал чизиққа яқин қўйиш зарур бўлади. Фақат битта каналга тегишли бўлган қисмни белгилаш учун эса курсорни ўнг каналнинг ўрта қисмидан пастроққа ёки чап каналнинг ўрта қисмидан юқорироққа қўйиб белгилашни бошлаш лозим.

Баъзи ҳолларда, айниқса, ёзиб олинган трек бошқа бир дастур ёки Midi – қурилмаси билан синхронизация қилинган бўлса, файл бошидаги пауза вақтини қолдириш мақсадга мувофиқ. Чунки қолдирилаётган пауза вақтида мавжуд бўлган шовқинларни йўқотиш керак бўлади. Бунинг учун ушбу қисм белгиланиб, Process/Mute тугмачаси босилади.

Агарда сигнал товуш баландлиги бўйича кам ўзгарувчан бўлса, унинг баландлигини чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Товушга зарур тембр (титраш) бериш учун товушни эквалайзер орқали ўтказиш керак.

Sound Forge дастурида икки хил эквалайзер мавжуд: параметрик ҳамда график. Параметрик эквалайзер танлаб олинган частота оралиғини кучайтириши ёки сусайтириши керак. График эквалайзер одатдаги аналог эквалайзер панелига ўхшаш, яъни 10-полосали қилиб ишланган ва овозни нисбатан аниқроқ назорат қилиш имконини беради.

Овозга янги ва сифатли жило бериш мақсадида хорус эффектидан ҳам фойдаланилади. Бу эффект бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ манбалардан товуш тарқалаётгани сингари таассурот туғдиради.

Эффектни бутун файл учун жорий этишдан аввал, унинг таъсири қандай бўлишини ёрдамчи менюдаги Preview тугмачасини босиб кўриш мумкин.

Кенг қўлланиладиган эффектлардан яна бири реверберация эффекти ҳисобланади. Бу эффект овозга «ҳажм» бериш ҳамда турли хилдаги хоналардаги акустик шароитларни имитация қилиш учун ишлатилади.

Реверберация жуда мураккаб ишлов бериш алгоритмига асосланади. Сўнгра ёзиб олинган товуш файлига Delay/Ecpo/ ушлаб туриш, акс садо (эхо) эффектини ҳам қўллаш мумкин. Бу эффект Effects/ Delay/Ecpo меню пункти орқали чақирилади. У акс садони имитация қилади ва эшитилаётган товуш катта бинода, тоғда ёки аксинча, тор хонада тарқалаётгани каби тасаввур уйғотади.

Pseudo-Stereo созлаш варианти ёрдамида ҳам яхши натижага эришиш мумкин. Уни файлдаги стереоканаллардан фақат биттасига жорий этиш лозим бўлади.

Файлга ишлов беришда қилинган ҳар бир ўзгартиришдан сўнг керакли натижага эришиш учун овоз ёзувини диққат билан эшитиб кўриш зарур.

Sound Forge дастурида мавжуд ишлов бериш воситалари ёрдамида файлнинг бошида товушнинг аста-секин баландлаша бориши ва файлнинг охирида унинг сўниб бориш эффектларини жуда осонлик билан йўлга қўйиш мумкин.

Process/Fade/Graphic меню пункти эса сигнал амплитудасини бутун файл бўйлаб ўзгартиришда қўл келади. График тасвир кузатиш учун жуда қулай бўлиб, бунда, албатта, ижод эркинлигига йўл очилади.

Sound Forge дастури бошқа кўплаб фойдали имкониятлардан ҳам холи эмас. Масалан, қайсидир мусиқа асбоби овозини ёзиб олаётганда, ижрода адашиш оқибатида биронта нотўғри нота тушиб қолиши мумкин. Шунда Semitones (полутонлар) ва Cents (центлар) майдонларидаги сон қийматларини ўзгартириб, нотўғри олинган нотани тўғрилаш ва ОК тугмачасини босиб, керакли овоз ёзувига эга бўлиш мумкин.

Овоз ёзуви фрагменти ижроси баландлигини ўзгартириш, тезлатиш ёки секинлатиш имкониятини тақдим этиши ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Ижродаги тўхталишларда асосий сигнал вақтинча тўхтатиладиган ҳоллардаги барча шовқинлардан халос бўлиш имконини беради.

Ушбу эффект кўрсатиладиган даражадан паст амплитудага эга барча товуш ва шовқинларни овоз ёзувидан олиб ташлаш асосида ишлайди.

Дастур овоз ёзувини ҳосил қилиб, уни овозни сэмплер (битта йўналишда узатиш)да ишлатиш билан шуғулланувчилар учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Бунда экранга чиқариладиган ёрдамчи менюда Sustaining ёки Sustaining with Release ҳамда Inginite Loop ёзув майдонларига белги қўйилади ва ОК тугмачаси босилади.

Тюнернинг энг яхши имкониятларидан бири – Іоорни эшитиш пайтида ҳам унга тахрирлар киритиш мумкинлигидир. Масалан, овоз ёзувига бирон-бир ўзгартириш киритилади, бу овоз ёзувига қандай таъсир этганини дарҳол эшитиш мумкин. Бундай қулайлик барча дастурларда ҳам мавжуд эмас. Тахрирланган файл сэмплерда қандай янграшини эшитиб кўриш учун монитор юқори дарчасининг пастида жойлашган мос тугмача босилади. Бажарилган ишнинг сифати фақат эшитиб кўриш орқали баҳоланади. Оҳанг эшиттирилишида овозда ҳеч қандай сакрашлар ва зарблар бўлмаслиги лозим.

Семплерда юклатилган овоз ёзуви сигналини бузилишига олиб келмайдиган максимал амплитудага эга бўлиш керак. Амплитудани ошириш учун нормаллаштириш амали Process Normalize буйруғидан фойдаланилади.

Агарда қўлланилаётган сэмплер модели Sound Forge дастурида мавжуд бўлса, ҳосил қилинган овозни Tools/ Sampler тугмачасини босиш эвазига семплерга юклаш мумкин.

Анча узун овоз файли билан ишлашда ёки каттароқ кўриш масштаби танланганида ҳаракатни осонлаштириш учун дастурда қаралаётган тўлқин тебранишининг 8 тагача қисмларини сақлаш имкониятини беради. Бунинг учун файлнинг керакли қисми белгиланиши ва пастки дарчадаги рақам тугмачаларидан бирининг босилиши кифоя. Сўнгра хоҳлаган пайт файлни керакли қисмига қайтиш зарурати туғилганда унга мос келувчи рақам тугмачаси босилади.

Деярли барча эффектларни нафақат иккала канал учун, балки улардан фақат алоҳида олинган биттасига ҳам қўллаш мумкин. Овоз файлининг ўнг ва чап каналларини бир хил эффект билан турли хил ростлашлар қилиб ишлов берилса, айрим ҳолларда жуда қизиқ натижаларга эришилади. Бу асосан овозни вақт бўйича ушлаб қолиш ва реверберацияда яхши кузатилади. Чап ва ўнг каналлар учун умуман бир-биридан фарқ қилувчи эффектлар ҳам ишлатилиши мумкин. Охирги натижага файл ишлов бериб қўлланиладиган эффектлар тўпламининг кетма-кетлиги ҳам сезиларли таъсир қилади, мисол учун EG-Chorus Delay Chorus-EG.

Иш жараёнида сақлаш амалига эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Чунки Undo (бекор қилиш) амали бир поғонани бўлиб, бекор қилиш фақат энг охирини ўзгартириш учун кучга эга бўлади. Яъни файлга ишлов беришда 2-3 қадам орқага қайтишнинг иложи йўқ ва ўша файлнинг бир неча оралиқ нусхаларини сақлаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Sound Forge дастури жуда кўплаб функционал имкониятларга эга ва овоз ёзуви файлларни яратиш ва тахрирлаш учун фойдали восита бўлиши мумкин.

Элдор АКРАМОВ,
ТАТУ ахборот технологиялари факултетининг 2-босқич талабаси

НАШИ ЮБИЛЯРЫ

Гордимся своим коллегой

В 1978 году на только что построенную радиорелейную станцию "Пахта" пришел выпускник Ташкентского электротехнического института связи Равиль Селимов.

С первых месяцев работы он проявил себя эрудированным во многих отраслях знаний. Он много читал, настойчиво стремился постичь секреты своей профессии. На станции постоянно шло развитие и строительство все новых и новых направлений , к первоначальной РРЛ Ташкент-Самарканд добавились направления на Душанбе, объект Азимут-Т, в Казахстан. Приходилось монтировать, настраивать и изучать разные типы аналогового радиорелейного оборудования "Рассвет-2", "Дружба", ГТТ-8000/960. Постепенно к глубоким теоретическим знаниям добавился большой практический опыт, который позволял ему отремонтировать на станции и в цехе любой неисправный блок, прибор или телевизор.

Вскоре Равиль Селимов стал отличным магистральным инженером. Своими знаниями, практической сметкой он завоевал в коллективе большой авторитет.

Дальнейшему углублению знаний Р.Селимова способствовало его постоянное участие в работах, проводимых производственной лабораторией, и дружба с такими специалистами, как А.Т.Антонов, П.В.Искрич, Н.Р.Мансурова и другими.

В 1988 году он был награжден знаком "Почетный радист СССР".

С 1997 года началось техническое переоснащение магистральной сети РРЛ и телевидения на цифровые системы передачи. Были реализованы проекты реконструкции сети РРЛ на японском оборудовании по проектам OECF-1, реконструкция РРЛ Ташкент- Бухара (резервирование ТАЕ) и, наконец, JBIC. В результате была создана магистральная сеть цифровых РРЛ и каналов распространения телевизионных и стереорадиовещательных программ по цифровым РРЛ и оптиковолоконным линиям связи.

За короткое время на магистральной сети телекоммуникаций Узбекистана произошла в полном смысле слова техническая революция и аналоговое радиорелейное оборудование было почти полностью заменено на цифровое. Новое оборудование цифровых РРЛ заставило инженерно-технический персонал переучиваться в ходе реконструкции. Но не всем это удалось. Особенно тяжело было тем, кто получал образование двадцать и более лет назад. Переход от логарифмической линейки к компьютерному обслуживанию оборудования оказался для некоторых непреодомлимым барьером. Но не таков был Равиль Ресмиевич. Новое оборудование вызвало у него огромный интерес. Помогло также и то, что он оказался в первой группе из пяти человек, направленных на обучение в Японию, в корпорацию NEC. Кроме того, регулярная самостоятельная работа по изучению оборудования и компьютера сделала его одним из лучших специалистов по цифровым РРЛ.

Со временем проявился еще один талант Селимова — педагогический: В начале он проводил занятия по повышению квалификациии с персоналом своего цеха, затем его лекции записали на видеомагнитофон и организовали показ по видеоканалам в свободное от государственных передач время. Персонал цехов РРЛ всей магистральной сети смог повышать свои знания прямо на рабочем месте. А Селимова стали приглашать читать лекции в институт повышения квалификации инженеров связи и в РЦУСТ РУз.

В 2003 году ему было доверено участвовать вместе с Главспецом филиала "ШАК" А.Т.Антоновым в приемке телевизионных КОДЕКов на заводе-изготовителе Scientific Atlanta в Бельгии. И наши специалисты из Узбекистана своими глубокими знаниями оборудования, приборов и методов измерений вызвали уважение у иностранных партнеров.

Коллектив филиала "Шахарлараро алока корхонаси" знает Р.Селимова не только как высококвалифицированного специалиста, но и как прекрасного семьянина, отца троих детей, из которых старший сын, Эмиль, продолжает дело отца. После окончания Ташкентского университета информационных технологий он пришел на работу в наш филиал — в центр управления цифровыми системами передач. Мы уверены, что и в дальнейшем сам Равиль Ресмиевич и его дети будут отдавать все свои знания и опыт любимому делу.

Недавно Селимову Равилю Ресмиевичу исполнилось 50 лет. Коллектив филиала "Шахарлараро алока корхонаси" горячо и сердечно поздравляет нашего славного юбиляра, желает ему крепкого здоровья и семейного счастья.

От имени коллектива филиала "ШАК" Наталья АНТОНОВА.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Сотовый телефон Apple iPhone - фантазия или реальность?

Продажи Sony Ericssion Z300 стартуют до конца 2005 года, а приобрести Sony Ericsson J230 и J220 можно будет уже в первом квартале следующего года.

Ни для кого не секрет, что плееры iPod доминируют на рынке портативных музыкальных устройств, а количество пользователей онлайнового сервиса iTunes растет не по дням, а по часам. Остановится ли Apple на достигнутом или попытается покорить новые вершины? Эксперты уверены, что очередная успешная новинка компании не за горами, и что станет ей мобильный телефон.

Конечно, стоит учесть, что программное обеспечение Apple iTunes устанавливается на телефоны Motorola ROKR и RAZR, однако что мешает гиганту начать производство собственной мобильной продукции? По мнению аналитика Пайпер Джеффри (Piper Jaffray), несмотря на отсутствие какой-либо наводящей информации со стороны руководства Apple, в появлении нового телефона сомневаться практически не стоит. И многочисленные слухи являются лишним тому подтверждением.

ЭТО ИНТЕРЕСНО

Четверо из пяти богатейших американцев работают в ИТ

Главы и основатели ИТ-компаний вновь заняли достойные места в новом ежегодном списке 400 богатейших американцев, составляемом журналом Forbes: уже двенадцатый год подряд его возглавляет председатель совета директоров корпорации Microsoft Билл Гейтс, чей капитал на сегодняшний день оценивается в $51 млрд. В пятерке богатейших американцев лишь один не связан с ИТ-рынком.

За год капитал самого богатого человека в США вырос на $3 млрд. На втором месте в списке Forbes по-прежнему находится инвестор Уоррен Баффет (Warren Buffet), глава фонда Berkshire Hathaway Investments, с $40 млрд.

Общая сумма капиталов 400 богатейших людей Америки составляет около $1,13 трлн., что на $125 млрд. больше, чем в прошлом году. По оценкам специалистов Forbes, это обусловлено резким ростом цен на недвижимость и нефть. В нынешнем списке представлено рекордное число миллиардеров - 374 из 400 человек.

Высокотехнологические компании по-прежнему довольно неплохо представлены в «хит-параде» журнала Forbes. Так, другой соучредитель Microsoft, 52-летний Пол Аллен (Paul Allen), занял третье место в списке журнала Forbes с $22,5 млрд. вместо $20 млрд. в прошлом году. 40-летний глава и основатель компании Dell Майкл Делл (Michael Dell) перебрался с 9-го на 4-е место списка с капиталом в $18 млрд.

Пароли раздражают и путают пользователей

Разработчик систем безопасности ИТ, компания RSA Security подготовила доклад о паролях, основанный на опросе 1700 корпоративных пользователей США. Вывод авторов - пароли неудобны, раздражают и путают пользователей.

Четверть опрошенных заявили о том, что им приходится запоминать более 13 паролей на работе, а 9 из 10 считают систему парольного доступа неудобной. Лица, ответственные за информационную безопасность, заставляют пользователей придерживаться политики защиты и либо часто менять пароли, либо использовать труднозапоминаемые, либо делать и то, и другое.

В результате пользователи создают и хранят важные документы либо на КПК, либо в ПК, увеличивая тем самым риск утечки данных. По мнению старшего аналитика Current Analysis Эндрю Браунберга (Andrew Braunberg), политики использования паролей, недружественные по отношению к пользователю, толкают последнего на рискованное поведение, которое может подорвать безопасность. Кроме того, забывчивость приводит к перегрузке служб поддержки, которые вынуждены удалять старые пароли, сообщил Inquirer.

Скандал вокруг сотовых телефонов

Недавно все мировые СМИ распространили радостную весть: масштабное исследование доказало отсутствие какой-либо связи между пользованием сотовыми телефонами и онкозаболеваниями. Такой связи не обнаружилось даже у тех, кто пользовался сотовыми на протяжении 10 лет.

Однако выясняется, что данные исследования были опубликованы не полностью: из него исключили ту часть, которая касалась абонентов сотовых сетей с самым большим стажем, т.е. более 10 лет, а именно у них частота заболевания опухолями слухового канала («акустическая нейрома») оказалась на 80% выше, чем у людей, не пользующихся мобильными телефонами.

Из исследования, впрочем, однозначно не вытекает, что сотовые телефоны опасны для здоровья: выборка абонентов с большим стажем была слишком немногочисленна, чтобы сделать какие-либо определенные выводы. Однако сам факт неполной публикации данных вызвал подозрение, что исследование не было независимым.

По словам самих ученых (а в исследовании принимали участие и израильские медики), сотовые компании финансировали исследование, но на условиях полного отказа от какого-либо вмешательства в его методологию, сообщает «Хаарец». Неполные результаты были опубликованы лишь потому, что результаты научных исследований никогда не публикуются полностью, а лишь в той части, которая позволяет сделать какие-то однозначные выводы.

Коллектив филиала "ТШТТ" АК "Узбектелеком" выражает искреннее соболезнование ведущему экономисту отдела экономики и статистики О.В.Пилипюк в связи с кончиной её отца **ШПИЛЬКОВА Виктора Васильевича.**

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 21 — 27 ноябр кунлари учун

TV1 TV2 TTv TV4 ТВ РОССИЯ НТВ

ДУШАНБА, 21

"Ўзбекистон" телеканали TV I

Ҳурматли телетомошабинлар! "Ўзбекистон" телеканали 21 ноябр куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 "Таҳлилнома".
15.45 ТВ-анонс.
15.50 "Ақл ва идрок".
16.10 "Айтишув".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ-анонс.
"Болалар сайёраси":
17.15 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.35 "Равнақ" студияси намойиш этади.
17.50 "Олтин мерос".
18.00 "Биржа ва банк хабарлари".
18.15 ТВ-анонс.
18.20 "Ошиқ". Телесериал.
18.55 "Аъло ўйинчи". Телелотерея.
19.15 "Омадли наволари" (SMS. Овоз бериш)
19.25 "Ўзлото" кундалиги ва рекламалар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Тулхан атрофидагилар". Телесериал премьераси. 1-қисм.
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.35 "Олтин мерос".
21.40 "Эркин мавзу".
22.00 "Сарой жавоҳири". Телесериал премьераси (Корея)
23.10 "Қўшғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Кавингтон Кросс". Телесериал.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

12.00 Дастурнинг очилиши.
12.05 ТВ-анонс.
12.10 Мафтунингман, диёрим!
12.15 "Янги авлод" студияси: Уй вазифаси.
12.35 Менимча.
12.40 Болалар экрани: "Кичик дўстлар сарғузаштлари".
13.15 Ҳаёт қадри.
13.40 "Кино SMS" танлови.
13.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Фаришталар аёл" спектакли.
14.50 Менимча.
14.55 "Кино SMS" танлови.
15.00 "Фаришталар аёл" спектаклининг давоми.
15.55 ТВ-анонс.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.20 ТВ - анонс.
16.25 "Янги авлод" студияси: "А"дан "Ng"гача Келинг, танишайлик.
16.40 Жаҳон журнфияси.
16.50 Олис манзиллар.
17.05 Бир дақиқа.
17.25 Ёшлар овози.
17.40 ТВ - адвокат.
17.45 Мусиқий лаҳза.
17.50 "Кино SMS" танлови.
17.55 Чемпион сирлари(рус тилида)
18.15 "Ёшлар" телеканалининг фотоанонсларидан.
18.20 "Қўёшли тош". Бадиий фильм.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 "Умр дафтари" туркумидан: Мирмуҳсин. 1- қисм.
20.00 Мусиқий лаҳза.
20.05 Ҳамкор - 2005.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан. "Юртим шуҳрати".
20.35 Мусиқий лаҳза.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Шубҳа". Телесериал.
21.45 ТВ-анонс.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун!

"Тошкент" телеканали TV III

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
18.50 "Мульткарусель" (рус)
19.00 "Экспресс" телегазетаси.
19.15 "Телекурьер маркет".
19.20 "Мультчархпалак".
19.30 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 ТТВ да сериал: "Морена Клара".
21.00 "Экспресс" телегазетаси.
21.15 "Телекурьер маркет".
21.20 "Пойтахт плюс".
21.45 Кинониғоҳ: SMS танлови:
1. "Уч плюс "икки".
2. "Соф инглизча қотиллик".
3. "Катта".

СПОРТ телеканали TV IV

7.30 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.00 "Бодрое утро".
9.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
9.30-10.10 "Хозяйка судьбы". Сериал.
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Соғлом авлод".
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Жон меня".
20.00 "Вести".
20.30 "Спортимиз маликалари".
20.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал.
21.30 "Хабарлар".
21.50 "Футбол плюс".
22.30 Жаҳон спорти: "Проф-РИНГ".
23.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ТВ

6.00 Телеканал "Доброе утро"
9.00 Новости
9.05 "Сердце Африки"
10.20 Многосерийный фильм "Есения". Заключительная серия
12.00 Новости
12.20 Приключенческий фильм "Шпионские игры"
14.40 Теория невероятности. "Дети индиго"
15.00 Новости (с-субтитрами)
15.10 "Полита. Без комплексов"
16.00 Сериал "Хозяйка судьбы"
17.00 "Федеральный судья"
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 "Кривое зеркало"
18.40 "Адъютанты любви. Фаворитка". Многосерийный фильм
19.50 Жди меня
21.00 Время
21.30 Многосерийный фильм "Принцесса и нищий"
22.30 Спецрасследование. "Моя жестокая няня"
23.40 Ночные новости

РОССИЯ

5.00 "Доброе утро, Россия!"
8.45 Остросюжетный фильм "Любовница".
11.00 ВЕСТИ.
11.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
11.50 "Баловень судьбы. Феномен Льва Лещенко".
12.45 "Частная жизнь". Ток-шоу.
13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.00 ВЕСТИ.
14.10 ВЕСТИ-МОСКВА.
14.30 Мелодрама "Гуру".
16.40 ВЕСТИ-МОСКВА.
17.00 ВЕСТИ.
17.15 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
17.45 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
18.45 "Черная богиня". Телесериал.
19.45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20.00 ВЕСТИ.
20.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Телесериал "Примадонна".
21.55 Телесериал "Бандитский Петербург-7. Передел".
23.00 "ВЕСТИ+".
23.20 "Мой серебряный шар. Ангелина Степанова".

НТВ

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"
9:15 "ВОПРОС... ЕЩЕ ВОПРОС".
10:00 "СЕГОДНЯ"
10:20 "ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ".
10:55 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК"
11:55 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС"
13:00 "СЕГОДНЯ"
13:35 Детективный сериал "МАРШ ТУРЕЦКОГО"
15:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ"
16:00 "СЕГОДНЯ"
16:20 Детективный сериал "АДВОКАТ"
18:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ"
19:00 "СЕГОДНЯ"
19:40 Остросюжетный сериал "БРИГАДА"
20:50 Сериал "ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2: КИНО И НЕМЦЫ"
22:00 "СЕГОДНЯ"
22:45 "РУБЛЕВКА. LIVE"
23:50 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ"

СЕШАНБА, 22

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.45 "Австралиянинг ёввойи табиати". Ҳужжатли тележурнал. "Болалар сайёраси":
9.35 "Ўйла, Илла, Топ!" Телемусобақа.
10.10 "Кавингтон Кросс". Телесериал.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ-анонс.
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Тулхан атрофидагилар". Телесериал. 1-қисм.
12.00 "Остонаси тиллодан".
12.20 ТВ-анонс.
12.25 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Яхшибой". Премьера.
12.40 "Олтин мерос".
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал премьераси.
13.50. "Қўшғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ-анонс.
14.20 "Бобур". Видеофильм. 13-қисм.
14.55 "Жавоҳир".
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.10 ТВ-анонс.
15.15 "Бу турфа олам".
"Болалар сайёраси":
15.45 1. "Қуёнок стартлар".
2. "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
16.35 ТВ-анонс.
16.40 "Таълимга эътибор - келажакка эътибор".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ-анонс.
17.15 "Яхшилар ёди".
17.35 "Дастур: ижро ва масъулият".
18.00 "Омадли наволари" (SMS. Овоз бериш)
18.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан. "Ҳаётимиз қомуси".
18.25 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
18.50 "Ошиқ". Телесериал.
19.25 "Ўзлото" кундалиги ва рекламалар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 "ЎзДЭУ авто - Сиз учун".
20.15 "Тулхан атрофидагилар". Телесериал премьераси. 2-қисм.
21.00 "Ахборот".
21.35 "Олтин мерос".
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Сарой жавоҳири". Телесериал премьераси.
23.10 "Қўшғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Кавингтон Кросс". Телесериал.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 22 ноябр сешанба куни "Ёшлар" телеканали кўрсатувлари соат 15.25 дан бошланади.
15.25 Дастурнинг очилиши.
15.30 "Қуёшли тош". Бадиий фильм.
15.55 ТВ - анонс.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.20 "Ёшлар" телеканалининг фототанлови.
16.25 "Умр дафтари" туркумидан: Мирмуҳсин 1-қисм.
16.45 ТВ - анонс.
16.50 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар, Болалар шеърияти.
17.15 Давримиз боласи.
17.25 "Кино SMS" танлови.
17.30 Қўёшли юрт одамлари.
17.45 ТВ-адвокат.
17.50 Ёшлар овози.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Мусиқий лаҳза.
18.15 Менимча.
18.20 "Қўёшли тош". Бадиий фильм.
18.45 "Кино SMS" танлови.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 "Умр дафтари" туркумидан: Мирмуҳсин. 2-қисм.
20.00 "ЎЗКОР" телелотереяси.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Менимча.
20.20 Давр репортаж.
20.30 Автопатрул.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Шубҳа". Телесериал.
21.45 "Кино SMS" танлови.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 "Эсмеральда". Телесериал.
23.10 - 23.15 Хайрли тун!

"Тошкент" телеканали TV III

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
18.50 "Ўзбектелефильм" намойиш этади: "Ижодий баркамоллик".
19.10 "Экспресс" телегазетаси.
19.25 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 ТТВ да сериал: "Морена Клара".
21.00 "Инстиқлолимиз қомуси".
21.15 "Экспресс" телегазетаси.
21.30 "Телекурьер маркет".
21.35 "Инсон ва қонун".
21.55 Кинониғоҳ: "Нозик иқлол маликаси".
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ телеканали TV IV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Хозяйка судьбы". Сериал.
9.50 Дзюдо. Халқаро турнир.
10.20-11.00 Жаҳон спорти: "Теннис".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Спорт - менинг ҳаётим".
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 Олир атлетика. Осиё чемпионати.
19.15 "В поисках приключений".
20.00 "Вести".
20.30 Кураш. Ўзбекистон кубоги.
21.00 "Футбол шаҳри".
21.20 "Спорт - антракт".
21.30 "Хабарлар".
21.50 Жаҳон спорти: "Европфутбол".
23.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ТВ

6.00 Телеканал "Доброе утро"
9.00 Новости
9.05 "Принцесса и нищий". Многосерийный фильм
10.10 Приключенческий сериал "Агент национальной безопасности"
11.30 "Дети японского чуда". Документальный фильм
12.00 Новости
12.10 "Большой обед"
13.20 Дисней-клуб: "Команда Гуффи"
13.50 Спецрасследование. "Птичий грипп"
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 "Полита. Без комплексов"
16.00 Сериал "Хозяйка судьбы"
17.00 "Федеральный судья"
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 "Кривое зеркало"
18.40 "Адъютанты любви. Фаворитка". Многосерийный фильм
19.50 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым
21.00 Время
21.30 Многосерийный фильм "Принцесса и нищий"
22.30 Тайны века. "Кто утопил "Эстонию"?
23.40 Ночные новости

РОССИЯ

5.00 "Доброе утро, Россия!".
8.45 Телесериал "Примадонна".
9.45 "Боденский капкан. Смерть над озером".
10.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11.00 ВЕСТИ.
11.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
11.50 Детектив "Маросейка, 12". "Операция "Зеленый лед". 1-я серия.
12.45 "Частная жизнь". Ток-шоу.
13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.00 ВЕСТИ.
14.10 ВЕСТИ-МОСКВА.
14.30 "Суд идет".
15.30 Телесериал "Бандитский Петербург-7. Передел".
16.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.40 ВЕСТИ-МОСКВА.
17.00 ВЕСТИ.
17.15 "Кулагин и партнеры".
17.45 "Обреченная стать звездой". Телесериал.
18.45 "Черная богиня". Телесериал.
19.45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20.00 ВЕСТИ.
20.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Телесериал "Примадонна".
21.55 Телесериал "Бандитский Петербург-7. Передел".
23.00 "ВЕСТИ+".

НТВ

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"
9:15 "ВОПРОС... ЕЩЕ ВОПРОС".
10:00 "СЕГОДНЯ"
10:20 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ"
10:50 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"
11:50 Сериал "АГЕНТСТВО "ЗОЛОТАЯ ПУЛЯ"
13:00 "СЕГОДНЯ"
13:25 "ДЛЯ ТЕБЯ"
14:25 Остросюжетный сериал "БРИГАДА"
15:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ"
16:00 "СЕГОДНЯ"
16:20 "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ"
18:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ"
19:00 "СЕГОДНЯ"
19:40 Остросюжетный сериал "БРИГАДА"
20:50 Сериал "ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2: БЕГУН"
22:00 "СЕГОДНЯ"
22:40 Комедия "ЕЕ АЛИБИ"

ЧОРШАНБА, 23

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Олтин мерос".
8.40 "Австралиянинг ёввойи табиати". Ҳужжатли тележурнал.
9.30 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
"Болалар сайёраси":
9.55 "Шумтакалар". Мультсериал.
10.10 "Кавингтон Кросс". Телесериал.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ-анонс.
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Тулхан атрофидагилар". Телесериал. 2-қисм.
12.00 ТВ-анонс.
12.05 "Ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари".
12.15 "Дўстлик" тележурнали: "Яғона оилада".
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.50 "Қўшғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ-анонс.
14.20 "Бобур". Видеофильм. 14-қисм.
15.00 "Табаррук замин".
"Болалар сайёраси":
15.20 1. "Баҳтли болалик қўшиқлари".
2. "Болалар дунёси".
3. "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
16.15 "Олов - тилсиз ёв".
16.30 ТВ-анонс.
